



ИШОНСН

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2001 йил 29 сентябр, шанба №154 (1168)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Хурматли устоз ва мураббийлар!
Биз бугун барчангизга дилимиздаги энг қутлуғ тилакларимизни изҳор этар эканмиз, ўзимизнинг шогирдлик бурчимизни, сизларга бўлган ҳурмат ва эҳтиром ҳиссини янада теранроқ англаймиз.

ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИЛАРИ ВА МУРАББИЙЛАРИГА

Ассалому алайкум, мухтарам устозлар!

Кадрли дўстлар! Авваломбор, шарафли ва олижаноб касб эгаси бўлган сиз, азизларни умумхалқ байрами - Ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Ўқитувчи деганда, ҳар қайси инсон биринчи галда мухтарам муаллимларини, кадрдон мактабини, дунёни таниши, ўқиш-ўрганиши завқи билан ўтган бегубор болалик йилларини эслайди, ўз устозларини эҳтиром ва миннатдорлик билан ёдга олади.

Чунки ўқитувчи зоти машаққатли меҳнати, ҳаётини тажрибаси, беқиёс меҳри билан ёш авлодга фақат илм-фан сирларини ўргатиб қолмай, унинг юрагида Ватанга муҳаббат, ажодлар руҳига ҳурмат, эл-юртга садоқат каби юксак туйғуларни камол топтиришда ибрат ва намуна бўлади.

Ана шундай масъулиятли вазифани ўз зиммасига олиб, фидокорона меҳнат қилиб келаётган сиз, устоз-мураббийларни келажагимизнинг чинакам бунёдкорлари, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Бугун биз билимдон, иродаси бақувват, йимони мустаҳкам, ёшлик шижоати ва истеъдоди билан Ватанимиз шухратини бутун дунёга тараннум этаётган ўғил-қизларимиз тимсолида сизларнинг эзгу меҳнатингиз самарасини кўрамиз.

Айниқса, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини ҳаётга жорий этиш, миллий истиқлол гоёсини фарзандларимиз қал-

би ва онгига синдириш, уларни ёт ва зарарли гоёлар таъсиридан сақлаш, миллий ва умумбашарий кадрятлар уйғунлиги руҳида тарбиялаш борасида олиб бораётган ишларингиз таъсирингиз сазовордир.

Хурматли устоз ва мураббийлар! Биз бугун барчангизга дилимиздаги энг қутлуғ тилакларимизни изҳор этар эканмиз, ўзимизнинг шогирдлик бурчимизни, сизларга бўлган ҳурмат ва эҳтиром ҳиссини янада теранроқ англаймиз.

Фурсатдан фойдаланиб, шуни алоҳида таъкидламоқчиман: келажагимиз эгаси, бошлаган эзгу ишларимизнинг давомчилари бўлган навқирон авлодга билим ва тарбия беришдек олижаноб ҳамда мураккаб вазифани адо этишингизда давлатимиз, жамиятимиз сиз, азизларга доимо мададкор бўлади.

Чунки, биз кўзлаган мақсадларимизга етиш, эртанги фаровон ҳаётимизни куриш йўлида сизларга, сизлар таълим бераётган фарзандларимизнинг тафаккури, куч-ғайрати, гўзал инсоний фазилатларига суюяман.

Барчангизни бугунги байрам билан яна бир бор қутлар эканман, сизларга сихат-саломатлик, оилавий бахт-саодат, ёшларнинг онгига эзгулик нуруни сочишдек хайрли ишларингизда янгидан-янги ютуқлар тилаймиз.

Қалбингиздаги маърифат чароғи ҳеч қачон сўнамсин, азиз устозлар!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



«СОҒЛОМЖОН - ПОЛВОНЖОН»

1 октябрь - «Ўқитувчилар ва мураббийлар куни»га бағишлаб Қорақалпоғистонда боғча болалари ўртасида «Соғломжон-полвонжон» спорт мусобақаси ўтказилди.


Мусобақада Беруний туманидаги «Нилуфар» болалар боғчаси тарбияланувчилари бўлган жажжи спортчилар биринчи ўринни эгаллади. Иккинчи ўрин Тўртқўл туманидаги «Бойчечак», учинчи ўрин эса Эллиқалъа туманидаги «Шодлик» болалар боғчаси тарбияланувчиларига насиб этди.

Бешариқ туманидаги «Чимбой» қишлоғида янги, замонавий қишлоқ врачлик пункти фойдаланишга топширилди. Унда гинекология, физиотерапия, ташхис қўйиш, тиш даволаш, болалар ва лаборатория бўлимлари мавжуд.

Миллий меъморчилик анъаналарини ўзида мужассам этган мазкур муҳташам бинони тумандаги 90-механизациялашган кўчма жамланма қурувчилари барпо этдилар.

Суратларда: ҳамшира Барно Жўраева ва фойдаланишга топширилган қишлоқ врачлик пункти.

Шухрат ОЛИМОВ (ЎЗА) олган суратлар.



АЛПОМИШ ЮРТИДА АЛПОНА КУРАШ

28 сентябр куни Термиз шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президентини хотирасига бағишланган кураш бўйича анъанавий 5-Халқаро турнир бошланди. Мутлоқ ғолиб ўчун «Нексия» машинаси, бошқа ғолиблар ўчун ҳам турли қимматбаҳо совринлар кўйилган турнир икки кун давом этади.

Халқаро турнирда дашармақдон, қўшни ҳамдўстлик давлатлари ҳамда бир қанча хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган бир юз элликдан зиёд полвон қатнашмоқда. Эрта тонгда полвонлар, уларнинг устозлари, ҳакамлар ва турнир меҳмонлари Амударё соҳилидаги Ал-Хаким ат-Термизий макбарасини зиёрат қилди.

Шундан сўнг Термиздаги «Алпомиш» стадионида вазни 66, 81, 90 ва 100 кило бўлган полвонлар ўртасида саралаш баҳслари бошланди. Эронлик бош ҳакам Муҳаммад Ризо раҳбарлигидаги нуфузли ҳакамлар ҳайъати уларнинг беллашувини баҳолаб борди. 66 кило вазндаги полвонлар баҳсида кўплаб ёш, умидли полвонлар кўзга ташланди. Туркменистонлик

Ражаббой Аширов томошабинларда, айниқса, катта таассурот уйғотди. У рақибларининг биронтасига ҳам заррача имконият қолдирмади.

81 кило вазнда гиламга тушган хоразмлик Азамат Қуръезов, сурхондарёлик Баҳром Эшон-туртур меҳмонлари Амударё соҳилидаги Ал-Хаким ат-Термизий макбарасини зиёрат қилди.

Шундан сўнг Термиздаги «Алпомиш» стадионида вазни 66, 81, 90 ва 100 кило бўлган полвонлар ўртасида саралаш баҳслари бошланди. Эронлик бош ҳакам Муҳаммад Ризо раҳбарлигидаги нуфузли ҳакамлар ҳайъати уларнинг беллашувини баҳолаб борди. 66 кило вазндаги полвонлар баҳсида кўплаб ёш, умидли полвонлар кўзга ташланди. Туркменистонлик

100 кило вазнда самбо бўйича жаҳон чемпиони, кураш бўйича Осиё ва Ўзбекистон чемпио-

ни Шухрат Хўжаев билан ёш полвон Шокир Худойбердиев гиламга тушди. Шухрат Хўжаев майдонда ўз маҳоратини яна бир бор намоён этиб, мухлислар олқишига сазовор бўлди.

Саралаш босқичи мусобақалари ниҳоясига етгач, халқаро турнирнинг расмий очилиш маросими бўлди. Тантанали маросимни Сурхондарё вилояти ҳокими Б.Олимжонов очди.

Шундан сўнг мусобақа байроғи кўтарилди. Уни икки қарра жаҳон ва Осиё чемпиони Баҳром Авазов, жаҳон ва Осиё чемпиони Махтумқули Махмудов, бразилиялик полвон Александр Катсураги кўтарди. Стадион узра Ўзбекистон мадҳияси янгради. Халқаро кураш ассоциацияси президенти Комилжон Юсупов, Бразилия кураш федерацияси президенти Жао Шиффир, Жанубий Африка Республикаси Халқаро кураш ассоциацияси ҳакамлар ҳайъати раиси Сюзет Безенхаут ҳамда Ўзбекистон спорт ва жисмоний тарбия кўмитаси раисининг биринчи ўринбосари Абдулла Очилов турнир иштирокчиларини табриқлаб, полвонларга омад тилади.

Саодат опанинг турмуш ўртоғи Фуломқодир ака қўлигўл дуррадгор, темирчиликни билади, чилангарлик ҳам қилади. Эр-хотин дуррадгорликка ихтисослашган оилавий фирма очиб, унда диван, кресло каби буюмлар ишлаб чиқаришга ташаббус қилди. Лекин Фиждудонда диван кресло, стол-стул ишлаб чиқарадиган дуррадгор кўпчилиги сабаб, оилавий фирманинг иши дастлаб умчалик юришмади. Саодат опа бу орада янгилик эшитди. Туманда парта ишлаб чиқариш бўйича тендер эълон қилинибди. Буни эшитган Фуломқодир ака тендерда қатнашиш учун ўқувчиларга хар томонлама қўлай бўлган бир неча парта нусхасини ясади. Тендер комиссияси Фуломқодир аканинг арзон, сифатли ясалган парталарини бир овоздан ғолиб деб тоғди.

Чори ТҲХТАЕВ, ЎЗА мухбири

САОДАТ ОПАНИНГ ПАРТАЛАРИ

Фиждудонлик мактаб ўқувчилари ва муаллимлари тадбиркор Саодат Тошевани яхши билади, десак муболага бўлмайди. Саодат опа бошқараётган «Муҳаммад Ризо» ишлаб чиқариш фирмаси ўқув масканлари учун энг яхши парта тайёрлаш бўйича ўтказилган тендерда ғолиб чиқди. Натияжада мактаблардан келаётган буюртмалар кети узилмапти.

Саодат опанинг турмуш ўртоғи Фуломқодир ака қўлигўл дуррадгор, темирчиликни билади, чилангарлик ҳам қилади. Эр-хотин дуррадгорликка ихтисослашган оилавий фирма очиб, унда диван, кресло каби буюмлар ишлаб чиқаришга ташаббус қилди. Лекин Фиждудонда диван кресло, стол-стул ишлаб чиқарадиган дуррадгор кўпчилиги сабаб, оилавий фирманинг иши дастлаб умчалик юришмади. Саодат опа бу орада янгилик эшитди. Туманда парта ишлаб чиқариш бўйича тендер эълон қилинибди. Буни эшитган Фуломқодир ака тендерда қатнашиш учун ўқувчиларга хар томонлама қўлай бўлган бир неча парта нусхасини ясади. Тендер комиссияси Фуломқодир аканинг арзон, сифатли ясалган парталарини бир овоздан ғолиб деб тоғди.

Дастлаб беш нафар одам билан иш бошлаган оилавий фирмада бугунги кунда 30 нафардан ортиқ киши ишламоқда. Вилоят тадбиркорларининг «Ташаббус-2001» кўриктанловидида иккинчи ўринни эгаллаган Саодат Тошева раҳбарлик қилаётган хусусий фирмда яқин кунларда иш ўринлари сони кўпайса, ажабмас. Ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида опанин банкдан 8 миллион сўм кредит олди.

ЎЗА

ШАРАФЛИ ВА АРДОҚЛИ КАСБ ЭГАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг фармонига мувофиқ ҳар йили 1 октябрь мамлакатимизда Ўқитувчилар ва мураббийлар куни умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланади.

Тошкентдаги «Туркистон» саройида ана шу шонли санага бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда пойтахтимиздан илғор ўқитувчилар, мураббий ва устозлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг мамлакатимиз ўқитувчилари ва мураббийларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т.Рисқиев ўқиб эшиттирди.

Тадбирда истиқлол йилларида юртимизда соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаб вояга етказиш жамият ҳаётининг устувор вазифасига айлангани таъкидланди. Зеро, мамлакатимизнинг бугуни ва буюк келажагини кўп жи-

ҳатдан жисман соғлом, маънавий комил, Ватанга садоқатли ёшлар белгилайди. Йўлбошимчи таъабуби билан қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури айна шу мақсадга хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги жўшқин тараққиёт даври ёш авлодга замонавий билим бериб, юксак технологияларни чуқур ўргатишни, уларни миллий ва умумбашарий кадрятларга хурмат, ўз тарихи, ажодларнинг бой мероси ва муқаддас анъаналарига садоқат руҳида тарбиялашни тақозо этмоқда. Бу борада, айниқса, захматкаш ўқитувчиларнинг хизмати катта. Энг шарафли касб эгалари бўлмиш устозлар фарзандларимизга таълим-тарбия

бериш билан бирга ҳаётнинг қадри, умрининг маъно-маъмунини англаш, инсоний меҳр-оқибат каби олижаноб фазилатлардан ҳам сабоқ беришмоқда.

Жонажон диёримизда ўқитувчилар ва мураббийлар меҳнати ҳамisha хурмат-эътибор ва ардоқда. Улар ёшлар қалби ва онгига миллий истиқлол гоёларини синдириш, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялашдек шарафли вазифани сийқидилдан адо этапти. Умумхалқ байрами арафасида ана шундай жонкуяр ва захматкаш маърифат фидойиларининг бир гуруҳи Президентимиз фармонида мувофиқ давлатимизнинг фахрий унвон ва нишонлари билан тақдирланди.

Йиғилишда Хива шаҳридаги 20-«Меҳрибонлик уйи» директори, Ўзбекистон Каҳрамони Вера Пақ, халқимизнинг сеvimли шоири Эркин Воҳидов,

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори Наргиза Тўхлиева сўзга чиқиб, мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини тинмай юксалтириш, ўқитувчи ва мураббийлар тўғрисидаги гамихўрликларни учун Президентимизга миннатдорлик изҳор этди.

Тадбирда Халқ таълими вазири Р.Жўраев «2001 йилнинг энг яхши ўқитувчиси» танлови ғолиби - Тошкент вилояти Покент туманидаги 1-мактаб ўқитувчиси Раҳимахон Мирҳолиқовага Президентимиз соврини - «Тик» энгил автомашинасининг қалитини топширди.

Тантанали кеча таниқли санъаткорлар ва ижрочи ёшларнинг катта байрам концерти билан якунланди.

Назокат УСМОНОВА, ЎЗА мухбири.

МИНГБУЛОҚНИНГ ЯНА БИР КЎЗИ ОЧИЛДИ

Мингбулоқ исми жисмига монанд туман. Саноксиз булоқлар кўз очган бу ерда. Яқинда мутахассислар Қўшқишлоқдаги 64,5 даражадан хароратда қайнаб чиқаётган чашмалардан бирини текшириб, унинг таркибида жуда кўп миқдорда йод бор эканлигини аниқлашди.

— Бу сувдан йод настойкаси, 5 фоизли йод сувоқлиги, шунингдек, шифобахш минерал сув, хлор, ишқор, йод кислотаси каби унлаб махсулотлар олиш мумкин, — дейди фирма бош технологи, геология-минерология фанлари номзоди Саиднасим Бокиев. — Агар жаҳон бозорида йоднинг баҳоси нефтдан 500 баробар қиммат туришини ҳисобга олсак, биз бошлаган ишнинг аҳамияти ойдинлашди.

Фирма жамоасининг ниятлари катта. Келажақда бу ерда санаторий-профилакторий куриш режалаштирилмапти. К.АКБАРОВ.

Бухорининг қўллаб туманларида бўлганидек, Когон туманида ҳам кичик ва ўрта бизнесни, айниқса фермерликни ривожлантириш борасида сезиларли ишлар қилинапти. Бирок, очилгани айтганда бор имкониятлардан тўла фойдаланилмапти. Яқинда бу ерда бўлганимизда ана шунга амин бўлдик.

Ушмо идорасида бизни раис ўринбосари Камол Мавлонов кутиб олди. Унинг айтишича, туманда айни пайтда 178 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатиб, бу кўрсаткич 1998 йилга нисбатан 2,5 баравар кўп экан.

Фермер хўжалиқларининг сони кўпайиб бораётгани яхши. Бирок, сон ҳамisha сифат кўрсаткичлари билан ҳамохан юрaverмаслиги мумкин. Масалан, туманда дон етиштиришнинг 5 фоизи, пахтанинг бешдан бир қисми фермерлар ҳиссасига тўғри келади, холос. Устига-устак, деҳқончилик ҳийла мураккаб кечган бу йилги шароитда бир қан-

ча фермер жамоалари ишни ташкил этишининг уйдасидан чиқолмадилар. Давлатга 690 тонна ўрнига 648 тонна дон сотилгани фикримиз далилидир.

«Саидобод», «Тўхтабобо-98», «Ғайратбек», «Шукурбобо», «Иброҳим-98» фермер жамоалари ваъдага вафо қилган бир пайтда, «Расуллов Рўзиқул», «Шухрат», «Садоқат», «Изаат» фермер хўжалиқлари имкониятни бой беришди. Орадан шунча вақт ўтган бўлишига қарамай, ушмода йил якунлари ҳали-ҳануз муҳома этилмаган. Жорий йилнинг саккиз ойи мобайнида вакилик идора-

си ходимларининг ойлик маош олмаганликларини қандай изохлаш мумкин?! Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда Президентимиз тадбиркорларга бегарз ёрдам бериш, агар имкони бўлса уларни ҳар қадамда қўллаб-қувватлаш зарурлиги хусусида қуноиб гапирдилар. Кўплаб фер-

сулотлари етказиб бериш зиммасида бўлган ташкилотлар фаолиятига тааллуқлидир. Минерал ўғитлар таъминотида ҳам узилишлар мавжуд.

Жорий йилда туман ўраимидаги «Олтин тола» пахта тозалаш заводи 158 та фермер хўжалиги билан 6131 тонна хомашени қабул қилиб олиш юзаси-

Қарс икки қўлдан

дордаги пули бўла туриб, эҳтиёт қисм ёҳуд иш ҳақини ололмай, ноқулай аҳволга тушаётган фермерлар аҳволини тушунадиган, уларга амалий ёрдам қилини чўзадиган ташкилотлар топилмаётгани ачинарлидир.

Гарчи 2 миллион 223 минг 400 сўмлик тўланиши лозим бўлган пул юзасидан далолатнома тузилган бўлсада, халигача ҳисоботи мушарраф охиригача етказилмади.

Олдинги йиллардаги тола пуллари, «Когонё» хиссадорлик жамиятидан олиниши керак бўлган ёғ, кунжара, шулҳа ва бошқа чиқитлар ҳисоб-китоби ҳам тўла-тўқис қилинмаган. Булар фермер манфаатларини назарга илмаслик, улар меҳнатини кадрламасликдан бўлак нарса эмас.

Хуллас, ишбилармон фермерларни қўллаб-қувватлаш, амалий ёрдам қилини чўзиш ҳам фарз, ҳам қарзидир. Бу борада Когонда ҳам илҳийли сиҳшларга эришилади, деб умид қиламиз.

Усмон НАВРҮЗ.

ТАШКИЛОТЧИЛИК ЕТИШМАСА ОЛДИНГА СИЛЖИШ ҚИЙИН

мерлар билан суҳбат жараёнида шу нарсага амин бўлдики, фермер жамоаларига хизмат кўрсатиш олган ташкилотлар шартнома бандларининг ижросига етарлича эътибор бермаптилар. Бу кўпроқ техника хизмати кўрсатиш, ёқилги-мойлаш маҳ-

дан шартнома тузган. Утган 8 ойда аван тариқасида белгиланган траншлар асосида 170 миллион 111 минг сўм бўнақ пуллари етказиб берилган. Маблағлар фермер жамоаларининг ҳисоб рақамига келиб тушган. Лекин баъзан ҳисобиди тегишли миқ-

«Когондон» хиссадорлик жамияти галлакор хўжалиқларга уруғликлар учун транш пулларини етказиб беришининг уйдасидан чиқди. Аммо марказлашган фондлар учун ажратмаларнинг чўзилиши оқибатида ханузгача 7 та фермер хўжалиги билан орани очик қилганича йўқ.

Ислохот инсон учун

Бугунги кунда қайси бир корхона хориж билан ҳамкорлик қилмаса, экспорт ҳақида бош қотирмаса, унинг келажаги йўқ. Буни энди барча чуқур илрок этмоқда. Боз устига, замонавий технологияни жорий этиш, малакали мутахассислар тайёрлаш, ўзининг хом ашёдан ҳаридоригр маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришиш ҳам давр талаблари даражасида фаолият юритишни тақозо этмоқда. Буни яхши англаган Навоий вилояти мутасаддилари ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш юзасидан аниқ тадбирларни амалга оширмоқда.

Фохонасининг туғруқона мажмуиға 1 миллион 200 минг долларлик зарур жиҳозлар олиб келинди. Ишловчилар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, жисмоний тарбия ва спортнинг оммавийлигини таъминлаш касаба уюшмаларининг муҳим вазифаларидандир. Бу борада ҳамкор-



Асака туманидаги «Оқ буйра» қишлоғида Андиджон «Намуна» савдо-саноат бир-



лашмаси филиалининг тикувчилик цехи намунали фаолият кўрсатяпти. Бу ерда ишчилар учун қўлқоп, маҳсулус кийим-кечак, халатлар тикилмоқда.

Суратларда: тикувчи Машхура Йўлдошева; тикувчилик цехида иш қизғин. М.КОДИРОВ (ЎЗА) олган суратлар.

ҚЎШМА КОРХОНА — ХОРИЖ ИШОНЧИ

Мустақиллик йилларида вилоятда том маънода қувончли ўзгаришлар рўй берди. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан «Зарафшон-Нью-Монт» Ўзбекистон-Америка қўшма корхонасининг ишга туширилиши хориж билан ҳамкорликни ойдин йўлга олиб чиқишда беқиёс аҳамият касб этди. Шу тариқа муаммолар ҳал этила бошлади. Агар етарли шартлар яратилса, меҳнат юксак даражада қадрланса, ишчи-хизматчиларимиз, мутахассисларимиз улуг ишларга қодир эканликларини амалда намойиш этидилар. Қаранг, собиқ иттифоқ даврида 20 йилдан ортқ вақт мобайнида қурилиши чўзилиб келган 3-гидрометаллургия заводи қисқа муддатда фойдаланишга топширилди. Учқудуқдаги Кўхпатас олтин конларининг ўзлаштирилиши, Қизилқум фосфорит комбинатининг қад ростлаши, «Агама» трикотаж фабрикасининг иш бошлаши мамлакатни энг зарур неъматлар билан таъминлашда муҳим рол ўйнамоқда. Навоий саноат корхоналарида жаҳон андозаларига мос келадиган жуда кўп маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Қувончли шуки, вилоятдаги барча корхоналар хориж билан ҳамкорликни йўлга қўйдилар. Улар қоида янги цехлар иш бошлади. Биргина «Навоийазот» ишлаб чиқариш бирилмаси йилига 16 миллиард сўмликдан ортқ маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Бир вақтлар энг муҳим тармоқлар учун четдан

валюта ҳисобига олиб келинган саккиз хилдаги кимёвий бирикмалар энди ўзимизда тайёрланмоқда. Шунинг ҳисобидан бир йилда 3 миллион АҚШ доллари миқдоридидаги маблағ тежаб қолинмоқда. Каустика сода ишлаб чиқариш дунёнинг учта мамлакатидида фаолият юритяпти. Айни вақтда Навоийда хорижий давлатлар билан ҳамкорликда қурилган қўшма корхоналар сон 25 тага етди. Шу йўналишда ишлаб чиқарилган дастурга кўра яна 18 тасини бунёд этиш режалаштирилган. Вилоят ҳокимлиги, корхоналар, ташкилотлар раҳбарлари, касаба уюшма кўмиталари инсон омилга эътиборни кучайтириш, соғломлаштириш ишларини намунали йўлга қўйиш юзасидан ҳам хайрли ишларга қўл уришмоқда. Бу ўринда ҳам хориж билан ҳамкорлик катта наф беряпти, Хусусан, Япония давлати гранти орқали вилоят туғруқона мажмуи, болалар шифохонаси, Хатирчи туман марказий шифохонаси энг нодир тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Жаҳон банки «Саломатлик» лойиҳаси бўйича қишлоқ врачлик пунктлари ҳамда туман марказий шифохоналарига 11 миллион долларлик тиббий жиҳозлар келтирилди. Бугунгача 40 та қишлоқ врачлик, 26 та фельдшер-акушерлик пунктлари кўнгилдагидек жиҳозланди. Финляндиянинг «Медико-Медикал» фирмаси кредитлари ёрдамида Нурота туман марказий ши-

ликда амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар дастлабки қувончли натижаларини бермоқда. Ҳокимликнинг маҳсул қарори билан «Вилоятда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришнинг 1999-2005 йилларга мўлжалланган истиқбол дастури» ишлаб чиқилиб, ҳаётга изчил жорий этилмоқда. 12 та марказий ўйингоҳ, 9 та сузиш ҳавзаси, 25 та теннис корти, 1200 дан ортқ спорт ва футбол майдонлари ёшлар, ишчи-хизматчилар ихтиёрида. Эътиборли шуки, эндиликда ёшлар орасидан иқтидорли спортчилар етишиб чиқмоқда. Вилоят терма жамоаси Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлиб ўтган олимпиада ўйинларида сузиш бўйича республикамиз шарафини ҳимоя қилди. Хатирчилик мактаб ўқувчиси Манзура Иноятова Швецияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида биринчи ўринни қўлга киритди. Саноат корхоналарида бўлиб, ишчи-хизматчилар билан фикрлашганимизда, улар барча муваффақиятларимизнинг бош омил мустақиллик, мамлакатимизда амалга оширилаётган том маънодаги инсонпарварлик сифати эканлигини эътиборга эгитишди. Улар ҳали олдинда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, ечимини кутаётган муаммолар ҳам талайгина эканлигини ўқитишди. Энг муҳими, жамоалардаги соғлом муҳит, изланувчанлик, ўзаро талабчанлик муҳитининг юзага келганлигидир.

Ялғош САРИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

МАҲСУЛОТ СИФАТИ ЯХШИЛАНДИ

«Термизгўшт» ҳиссдорлик жамиятида бир сменада 1,8 тонна колбаса ва сосиска ишлаб чиқарувчи цех ишга туширилди. Корхонада хориж технологияси ўрнатилган, маҳсулот турлари кўпайтирилиб, сифати яхшиланди. Янги маҳсулот ҳиссдорлик жамиятининг «Барчиной» бозоридида маҳсул хижозланган дўконда сотилмоқда. Корхона ҳали тўла қувват билан ишлагани йўқ. Бунинг учун унинг ёрдамчи хўжалигини мустаҳкамлаш, гўшт таъминотини вилоятдаги қорвадор хўжаликлар билан ўзаро манфаатли шартнома асосида йўлга қўйиш лозим. Шунингдек, корхона жамоаси олдида бозор талабини инобатга олиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини янада ошириш, таннархини арзонлаштириш, шу орқали рақобатбардoshiликни таъминлаш вазифаси турибди.

(ЎЗА).

Халқимизда минг марта эшитгандан, бир марта кўрган афзал, деган мақол бор. Биз ана шу нақлга амал қилиб, Юқори Чирчиқ туманининг «Гулистон» ширкат хўжалиги далаларида бўлдиқ. Хўжалик пахтакорлари жорий йилда 2567 гектар ерда мўл ҳосил етиштириб, давлатга 3457 тонна «оқ олтин» топшириш учун астойдил тер тўкишмоқда. Улар кун сайн маррага яқинлашиб боришмоқда. Усмонобод бўлимидаги 3-бригадада бўлганимизда теримчиларга навбатдаги беш кунлик учун ҳақ даланинг ўзида бериллаётган экан.

— Жамоамиз бу йил 75 гектар ерда пахта ҳосили етиштирди, дейди бош пудратчи Шоир Ҳамидов. — Шундан 58 гектари уруғлик пахтадир. Режа бўйича ҳар гектардан давлатга 22,4 центнердан «оқ олтин» сотишимиз керак. Лекин шу кунгача топширилган хом ашё 32 центнердан ошиб кетди. Бу муваффақиятда Паркент туманининг «Чанги» қишлоғидан келган ҳашарчиларнинг ҳам ҳиссаси бор. Шунингдек, етиштирилган ҳосилни ёгин-сочинга қолдирмасдан йиғиштириб олишда туман поликлиникаси, машина-трактор парки, почта ва бошқа ташкилотларнинг ходимлари ҳам ўз ҳиссаларини қўшишди. Энг муҳими, моддий манфаатдорликнинг боис суръат бўшашмапти. «Пахта Банк»нинг туман бўлими мутасаддилари саъй-ҳаракатлари ҳам таҳсинга лойиқ. Улар томонидан далада ишлаётганларга ўз вақтида тегишли маблағ тарқатиллаётди. Бундан руҳланган пудратчи ва ҳашарчилар илжи борича кўпроқ пахта теришга ҳаракат қилишмоқда. Бугун ўзингиз гувоҳи бўлганингиздек, теримчи Бахтиёр Қодиров 19 минг сўмга яқин нақд

МОДДИЙ МАНФААТДОРЛИК

Йиғим-теримда юқори суръат ва сифатни таъминламоқда

пул олди. Меҳри Шожамолова эса 17 минг 500 сўмга эга бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил пахта ҳосилини уюшқоқлик билан йиғиштириб олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори мавсум муваффақиятини таъминлашда етакчи омил бўлмоқда. Унда пахта йиғим-терими қатнашчиларини моддий рағбатлантиришнинг кучайтириш мақсадида хўжаликлар далаларидаги мавжуд ҳосилга қараб табақалаштирилган ҳолда ҳақ тўлаш тавсия қилинди. Хусусан, қўлда терилган бир кило ўрта толали пахта учун эса 24 сўм ҳақ тўланмоқда. Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эътиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жағнамаси, Марказий банк, «Пахта Банк» ва бошқа тижорат банклар ва пахта териш машиналарининг механик ҳайдовчилари билан,

Қарор ва ижро

шунингдек, пахтани юклаш, тушириш, тайёрлаш, транспортда ташуш, жойлаштириш ҳамда ишлов бериш, техникага хизмат кўрсатишда банд бўлган ходимларни вақтида маблағ билан таъминлаш вазифаси топширилди. Субъектлари ва фермер хўжаликларига 22 миллион 400 минг сўмлик имтиёзли қарз берилди. Бунинг натижасида аҳолиси зич бўлган туманда қанчадан-қанча янги иш ўринлари яратилди. Тадбиркорлар ишини енгилаштириш, уларни ахборотлар билан таъминлаш борасида ҳам кейинги вақтларда бир мунча ишлар қилинди. Хусусан, бўлимида ишбилармонлар бурчаги ташкил этилди. Унда тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, кредит бериш йўриқномалари, уларни расмийлаштириш тартиблари намуналари акс эттирилган. Кичик ва ўрта бизнес субъектларига кредит бериш кўпайганлиги туманда халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш ҳажми, аҳолига маиший ва савдо хизмат кўрсатиш турларининг кўпайишини таъминламоқда. Энг муҳими, кассага нақд пул тушуми ортиб, эмиссия даражаси пасаймоқда. Масалан, банкнинг саккиз ойлик касса режаси 2 миллиард 284 миллион 111 минг сўм эди. Амалда эса бу рақам 2 миллиард 591 миллион 429 минг сўмни ташкил этди. Бошқача ифодалаганда, бу борадаги режа 113,5 фоизга бузарилди ва нақд пул ҳаражатлари эмиссия улуғсиз амалга оширилди. Бунинг шарофати ила пенсиялар, бюджет ташкилотлар ходимларининг иш ҳақлари ўз вақтида берилди. Фулом ЮСУПОВ, «Ишонч» муҳбири.

Урганчада «Asia textile LTD» Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси иш бошлади. Унинг ташкил этилиши Хитойнинг «Blue Ocean International Limited» компанияси, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофазаси қилиш вазирлиги ва «Феруз-Хоразм» акционерлик жамияти кўмагида беш тадбиркор Роза Собированинг амалий ҳамкорлиги натижаси бўлди.

ҚАЕРДА АҲИЛЛИК — ШУ ЖОЙДА БАРАКА

Мирзаобод йўлсозлар жамоаси томонидан шу йил кўкламида ўтқазилган 30 минг туп Калифорния тереги қаламчолари, 2 минг туп қўқ тереги қачатлари қаддини ростлаб олди. — Жамоамизда 33 нафар кичи меҳнат қилади, дейди йўлсозлар сардори А.Кенжаев. — Ҳаммаси ишчан, ҳалол, худди бир оила фарзандларидек ахил. Улар топширилган доимо ошириб бажариб келишади. Шу йилнинг ўтган даври мобайнида илгор ишчиларга 570168 сўм мукофот берилди, 105735 сўм миқдоридида моддий мадад кўрсатилди. Кам таъминланган, кўп болали оилалар ҳолидан хабар олиш одати тусга кириб қолган. Яқинда шундай оилалардан тўрттасига 50 минг сўм миқдоридида моддий кўмак берилди. Бир километр цемент-бетонли мўъжаз йўл барпо этилди. Йўл бўйларида катта ҳажмда ободончилик-кўчаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. «Гулистон — Гагарин» автоўйлининг 2 километри сифатли таъмирланди. Наврўз кўрғонидида шунча ма-софадаги йўл таъмирланиб, икки бекат фойдаланишга топширилди. Даштобод йўналишидаги йўлнинг 6 километри жорий таъмирдан чиқарилди. Хўжаликлараро йўллар назоратдан ўтказилиб, талаблар даражасига келтирилмоқда. Шундай экан, юртимиз йўлларининг кенг, раво бўлишида мирзаободлик йўлсозларнинг ҳам муносиб улуши бор, дейишга ҳақлимиз. Нурилла ШАМСИЕВ, «Ишонч» муҳбири.

Амалий ҳамкорлик

— Қўшма лойиҳанинг умумий қиймати 280 минг АҚШ долларига тенг. деди қўшма корхона инвестори Андрей Белосов. — Корхона экспортбо маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилгани мени ўзимга жалб этди. Биз ҳозирдаёқ маҳсулотни Россия, Европа мамлакатларига экспорт қилиш тўғрисида музокара олиб бораёмиз. «Asia textile LTD» да ўрнатилган тўққизта замонавий технология линияси пахта толасидан кунига уч тоннагача трикотаж ва жаккард мато ишлаб чиқариш имконига эга. Шунингдек, янги қўшма корхона бошқа корхоналар фаолиятини кенгайтириш, янги иш ўринлари ташкил этиш имкониятини яратади. (ЎЗА).

«Жиззахнефтьмаҳсулот» шўъба-унитар корхонаси маъмурияти ва касаба уюшма кўмитасининг ходимларининг меҳнат муҳофазаси бўйича ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва ишлаб чиқаришдаги фаолиятини вилоят касаба уюшмалари Кенгаши раёсати йиғилиши кун тартибидан ўрин олгани бе-ҳиз эмас.

Умуман олганда тармоқда ишлаб чиқариш режалари ва бошқа иқтисодий кўрсаткичлар мунтазам бажарилиб келинмоқда. Жорий йилнинг биринчи ярмида маҳсулот етказиб бериш 100,7 фоизга бажарилиди. Лекин текширишлар шунинг кўрсатдики, мазкур бирилшмага қарашли Лалмикор, Даштобод, Дўстлик нефть маҳсулотлари корхоналарида техника хавфсизлиги, меҳнат муҳофазаси борасида ташвишли ҳол юзага келган. Лалмикор нефть маҳсулотлари таъминот корхонасида 68 нафар киши меҳнат қилади. Улардан 5 нафари хотин-қизлардир. Аввало бу ерда ходимларни

Таҳлил нимани кўрсатди?

ган. Буларнинг барчаси корхона раҳбари Баҳодир Назаров ҳамда касаба уюшма кўмитаси раиси Бахтиёр Усмонов Соғлиқ учун зарарли ва ифлосланиш билан боғлиқ бўлган жойларда ишлайдиганлар учун сут маҳсулотлари умуман берилмади. Дўстлик нефть маҳсулотлари таъминот корхонаси маъмурияти томонидан ходимларга шарт-шароит яратилмаган. Корхона худудида қачонлардир ташкил этилган лимонарий бугунга келиб хароба ҳолга келиб қолган. Корхонадаги катта сифмилли идишларда сақланган ёқилги чамбараклар остидан томчилаб турибди. Бу катта исрофгарчилик келтириши билан бирга ёнгин хавфсизлиги қоидаларига мутолақ зиддир. «Жиззахнефтьмаҳсулот» бирилшмасига қарашли юқорида номлари зикр

Тўйга тўёна

Термизнинг 2500 йиллик юбилей олдидан шаҳарда янги маданий-маиший хизмат объектлари, умумий овқатланиш жойлари ишга туширилмоқда. Яқинда бу ерда кунига 500 микозга хизмат кўрсата оладиган «Орзу» бар-ресторани иш бошлади. Ундаги 3 та зал шарқ меъморчилиги асосида самарқандлик ва тошкентлик усталар томонидан бунёд этилди. Деновлик тадбиркор Ҳабиб Нормуродов қурдирган ушбу замонавий бинода тўй маросимлари ва бошқа тантаналарни нишонлаш ҳам мумкин.

1 октябр — Ўқитувчилар ва мураббийлар куни



БАРЧАГА УСТОЗСАН ЎЗИНГ, МУАЛЛИМ!

Халқимизда устоз отандек улуг, деган ҳикмат бор. Дарҳақиқат, жажжи ўғил-қизларга илк мартаба қалам тутишни ўргатиб, илму маърифат дунёсига етаклаган, турли касб-хунарларнинг нозик сирлари ила ошно этган устоз мураббийлар, меҳрибон ўқитувчилар падари бузрукворларимиз сингари ҳурмат-эҳтиромга лойиқ инсонлардир. Зотан, буюк бобокалонимиз Навоий ҳазратлари лутф этганларидек, устозлар захматини ҳеч қандай ганж-ҳазина, бойлик билан ўлчаб бўлмайди.

лабага ойига 558 минг сўмдан маблағ ажратилди. Шунингдек, Бухоро, Андижон, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари тармоқ касабаси уюшма кўмиталари томонидан ҳам талабалар учун махсус стипендиялар бериб турилибди.

Келажагимиз пойдевори бўлган ёш авлодни ҳар томонлама баркамол, етуқ кишилар қилиб тарбиялашда таълим тизимида янги давлат стандартларининг жорий этилиши катта аҳамият касб этади.

Ҳозирги пайтда туманимиздаги 32 та умумтаълим мактаби, 1 та ихтисослашган мактаб-интернат, 23 та мактабга-ча ва 4 та мактабдан ташқари муассасаларда 28 минг нафарга яқин ўқувчилар, 2229 нафар тарбияланувчи бор.

Оила-маҳалла-мактаб ҳамкорлиги мустаҳкамланганлиги ўқувчи ёшларни келгуси ҳаётга тайёрлаш, уларнинг билимини чуқурлаштиришда муҳим рол ўйнамоқда. Республика иқтидорли болалар кўрик-танловиди миллий каштачилик йўналиши бўйича Ойдин Худойкулова, ўлкашунослик соҳасида Барно Муҳаммадиева, экологик ва агробизнес бўйича Мунира Бекниёзовалар ғолибликни эгалладилар.

Ўқувчи ёшлар-қалбда юксак эътиқод, маънавий-ахлоқий

қийим-кечаклар билан таъминланди.

Болалар боғчалари тарбияланувчилари ўртасида «Соғ-

Имомов, Тўра Жалилов кабиларнинг «Урта мактаб ўқувчилари билимини назорат қилишнинг кўп босқичли рейтинг тизими», «Касблар оламида», «Кўёш янглиғ шуълалар», «Ўқувчиларга билим беришнинг тақомиллаштириш усуллари», «Электрон ҳисоблаш машиналарида ўқувчилар билимларини текшириш ва баҳолашда тест синовларини ўтказиш тажрибасидан» каби тўпламлари чоп этилди. «Нижон» ўрта мактаби ўқувчиси Гулрухсора Козимованинг ишоси республика кўрик-танловига тавсия қилинди.

Ўқувчилар билимини шакллантиришда кўп босқичли рейтинг тизимининг жорий этилиши ёшлар билимини чуқур таҳлил қилиш имкониятини яратди.

Шарофат САФАРОВА, Нишон туман халқ таълими бўлимининг мудираси.

ЮКСАК ЭҲТИРОМ РАМЗИ

Шу маънода, мамлакатимизда мустақиллик йилларида таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш борасида оламшумул ишлар амалга оширилдики, бу бугунги сурурбахш кунларда ўзининг ижобий аксини намойён этмоқда. Хусусан, «Таълим тўғрисида»ги Қонун ҳамда Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши ва амалиётга изчил тadbик этилиши ўқувчи ёшларимизнинг жисмонан баркамол, фикран теран, билимли бўлиб, вояга етишида, халқ хўжалигини турли етуқ мутахассис кадрлар билан таъминлашда ҳал қилувчи ўрин эгалламоқда.

ларини соғломлаштиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Масалан, Самарқанд вилоятида «Оналар ва болалар йили» дастурига биноан вилоят педагогларини қайта тайёрлаш ва ўқитиш институти сана-торий-профилаторий-сида ёғи соғломлаштириш мавсумида 425 Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши ва амалиётга изчил тadbик этилиши ўқувчи ёшларимизнинг жисмонан баркамол, фикран теран, билимли бўлиб, вояга етишида, халқ хўжалигини турли етуқ мутахассис кадрлар билан таъминлашда ҳал қилувчи ўрин эгалламоқда.

«Оналар ва болалар йили»да барча тармоқ касабаси уюшма кўмиталари тасарруфидаги таълим-тарбия муассасаларида меҳнат қиланган оилавий шароити оғир хотин-қизларни моддий-маънавий ҳимоялаш чора-тадбирлари кўрилмоқда. Жумладан, Хоразм вилоятида 389 нафар аёлга 393100 сўм, Самарқанд вилоятида 547 нафар хотин-қизга 48477,0 минг сўм ажратилди. Бундай моддий ёрдам бошқа вилоятларда ҳам амалга оширилди. Вазирлар Маҳкамасининг «Узлуксиз таълим муассасаларини дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан таъминлашни тақомиллаштириш тўғрисида»ги Қарорини бажариш мақсадида Сурхондарё, Қашқадарё, Хоразм, Наманган, Фарғона, Жиззах вилоятларида ўнлаб соҳа ходимларининг фарзандларига бепул дарслик ва ўқув қўлланмалари тарқатилди.

Таъкидлаш лозим: республикамиз таълим ва фан тизимидаги ушбу ютуқларда соҳа ходимлари касабаси уюшма кўмиталари ҳам муносиб ҳисса қўшаётир. Чунончи, жорий йилда Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма Марказий кўмитаси, унинг жойлардаги тармоқ кўмиталари ва бошланғич ташкилотлар томонидан кўплаб хайрли ишлар амалга оширилди. Бу тизимдаги барча муассасаларда касабаси уюшма аъзолари, уларнинг фарзандларининг, хотин-қизлар, талаба ва ўқувчи ёшларини, ногирон болаларни ижтимоий-иқтисодий, маънавий-хуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиш мақсадида амалиётга тadbик этилган тadbирларда ўз аксини топди. Таркибига 16 минг 585 та бошланғич ташкилот ва 1 миллион 276 минг 923 нафар аъзони бирлаштирган Марказий кўмита томонидан айниқса, соҳа ходимлари ва уларнинг фарзанд-

Шу йилнинг 2-20 август кунлари пойтахтимиздаги сўлим «Лочин» оромгоҳида 200 нафар Оролбўйи болалари ўз соғликларини тикладилар. Мазмунли ҳордик чиқарган Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятилик ўғил-қизларимиз унутилмас таассуротлар билан уларига қайтилди.

Соҳа ходимлари, ўқувчи ва талабаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёшларни рағбатлантириш касабаси уюшмаларининг энг муҳим вазифаларидан бири сифатида белгиланган. Шу мақсадда мамлакатимиз олий ўқув юртиларида таҳсил олаётган иқтидорли талабаларга Марказий кўмитанинг 2001-2002 ўқув йили учун махсус устама стипендияси таъсис этилиб, республика бўйича тавсия этилган 30 нафар та-

Кези келганда, мамлакатимиздаги барча соҳа ходимларини, меҳридарё устозларни умумхалқ байрами — ўқитувчилар ва мураббийлар куни билан чин юракдан муборакбод этган ҳолда касабаси уюшмалари тармоқ фидойиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга шайлигини айтмоқчиман.

Зотан, ўқитувчилар ва мураббийлар кунининг умумхалқ байрами сифатида нишонланишининг ўзи ҳам соҳа ходимларига бўлган юксак эҳтиром рамзидир.

Зоир КОДИРОВ, Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма Марказий кўмитаси раиси.

ДОНОЛАР ЭЪЛИРОФИ

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқутмиш ранж ила, Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила. Алишер НАВОЙИ.

Одамзод ер юзида пайдо бўлган дастлабки пайтларда-ноқ билим сари, ўрганиш сари интилган. Бугун ҳам, бундан жуда кўплаб замонлар илгари ҳам билимга буюкроқ ўрин теккан. Уларнинг жойи — уйнинг тўри.

Юсуф Хос ҲОЖИБ. Ўз шогирдларида меҳнатдан завқланиш хислатларини уйғота билган муаллим шарафларга лойиқ.

Э.ХАББАРД. Ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий нарсаси муаллим, унинг тафаккур дунёсидир.

А.ДИСТЕРВЕГ. Яхши ўқитувчи бўлиш учун нимани ўқитсанг — ўшанга, кимни ўқитсанг — ўшаларга меҳр кўймоғинг зарур.

В.КЛЮЧЕВСКИЙ. Педагогикани инсон ҳақида эмас, балки бола ҳақидаги илм ҳисоблаш кўпол хатолардан биридир. Я.КОРЧАК.

Ўзбекистон касабаси уюшмалари Федерацияси биноси шу кун юзлари, кўзлари нурли, қалби қўёшли муаллимлар ташрифидан янада зийнатланди. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳридан тақдир этилган халқ таълими тизими фидойилари, шогирдлар қамолини бахт деб билган захматқаш муаллимлар, ташаббускор, ёш ўқитувчилар «Аёл — она, Аёл — педагог, Аёл — касабаси уюшма аъзоси» мавзусидаги давра суҳбатига йиғилдилар.

Тадбирни Ўзбекистон Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма Марказий кўмитаси Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда Оналар ва болалар йили ҳамда ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан уюштирди. Мақсад — халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган илгор муаллимларнинг захматли хизматларини тақдирлаш ҳамда касабаси уюшмалари ташкилотларининг долзарб муаммолари ҳақида эркин, дўстона фикрлашиб олиш.

Жамиятнинг нуфузи ва маънавияти унинг аёлга муносабати адо акс этади, — дея давра суҳбатини бошлайди соҳа ходимлари касабаси уюшма Марказий кўмитаси ташкилий ишлар бўлимининг етакчи мутахассиси Махмуда Мурзаева. — Қаерда аёл эъзозланса, она шарафланса, шу ерда кўт-баракат, тотувлик бўлади. Зеро, Ватан, миллат тақдири аёллар — оналар, маърифатли устоз — ўқитувчилар қўлидадир.

Шундан сўнг қизгин баҳслар бошланиб кетди. Мавжуда ВОҲИДОВА, Тошкент шаҳридаги 216-маҳсус мактабнинг тарих ўқитувчиси:

«Таълим тўғрисида»ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилиниши республикамизнинг буюқ келажагига асос солди. Зеро, маърифат шундай нурки, унинг ёғдусидан кўнгилар ёришади. Аёллар —

АЁЛ — ОНА, АЁЛ — ПЕДАГОГ

оналар ана шу маърифат зиёсини фарзандлар қалбига жо этишда айниқса масъулдир. Шунинг учун ҳам донолар, аёли бесавод юртнинг улуси ҳам бесаводдир, деб башорат қилганлар.

Буюқ давлат қуриш учун аввало ҳар бир оилада тинчлик-хотир-жамлик, тўқин-сочинлик барқарор бўлиши керак. Чунки жамият, давлат ана шу оилалар тимсолида яшайди, камолга етади. Жамият бизга она, аёл, педагог, касабаси уюшмасининг фаол ходими сифатида катта масъулият юкламоқда. Бу уч вазифани сидқидилдан адо этиш оилада, жамоада, шогирдлар, қолаверса Ватан келажаги олдида юзимишни ёруғ этади.

Маҳзуна САФАРОВА, Термиз шаҳар 11-умумий ўрта таълим мактабининг ўқитувчиси, II даражали «Соғлом авлод учун» ордени соҳибаси:

«Аёл ҳар қандай шароитда ҳам оналигини унутмаслиги даркор. У қай касабда ишлаганин, аввало ўз фарзандини тўғри тарбиялаш учун вақт топиши керак. Аёл ўқитувчи зиммасига жуда катта масъулият юклаган. Шу муаммони ҳал этиш муайян маънода иқтисодга бориб тақалади. Касабаси уюшмалари ўқитувчиларни иқтисодий жиҳатдан янада қўллаб-қувватлаш, соғлигини тиклаш, улар-

нинг моддий таъминоти учун кўшимча чора-тадбирлар қўлласса яхши бўларди.

Карима ҚУДРАТОВА, Шофиркон туманидаги 34-мактаб директори: — Ҳа, бугун бизга нархот йўли битта. У ҳам бўлса маърифат ва яна

лаб, элга қўшди. Ебичиш, кийинишда камчилик кўрганимиз йўқ. Онам ишнинг кўзини биладиган табдиркор, бир сўз билан айтганда, фидойи аёл эдилар. Мен уч ўғилнинг онаси, олийгоҳ ўқитувчиси фидойиликни онамдан ўрганганман. Фидойилик эса касбига, Ватанга, миллатга бўлган чексиз меҳрдан пайдо бўлади. Меҳр билан бажарилган иш эса мангуликка муҳрланади.

Баҳслар узоқ давом этади. Мамлакатимизнинг турли бурчақларидан ташриф буюрган маърифатли муаллимлар баркамол авлодни вояга етказиш, оила шаъни, аёлининг, онанинг, муаллиманинг бурчи, ўқитувчиларнинг кадр-қиммати, авлодлар қомиллиги ҳақида ўз-ўз фикрлашди. Бу борада касабаси уюшмаларининг ташаббуси, ғамхўрлиги ва бевосита қўллаб-қувватлаши ҳақида кўп сўз юритилди. Баҳслар ақлни чарқлади, тажрибаларни умумлаштирди.

Эл севган санъаткорлар Анавар Санаев, Умида Мирҳамидова ижро этган қўшиқлар даврага ўзгача фазил қиритди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Қутлибека Раҳимбоеванинг шеърлари қалбларда акс-садо берди. Халқ таълими тизимида фаолият кўрсатаётган 50 нафар ўқитувчи Таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма Марказий кўмитасининг қимматбахшо соғвалари билан тақдирландилар.

Куннинг иккинчи ярмида давра қатнашчилари иштирокида гузал пойтахтимиз бўйлаб саёҳат уюштирилди. Шу оқшомада меҳмонларимиз Ўзбекистон Миллий Академик театрида мистрикб спектакл томоша қилдилар.

Амина КОДИРОВА, «Нижон» муҳбири.

ЭЛ ЭЪЗОЗИДА

Кейинги йилларда мамлакатимиз таълим тизими, хусусан, халқ таълими соҳасида мисли кўрилмаган ўзгаришлар юз берди. Кувонарлиси, бу масъулиятли ишда касабаси уюшмалари ҳам фаол иштирок этмоқда. Жумладан, туманимиздаги 66 та мактабда қарийб 37 минг ўғил-қизга замон талаблари асосида таълим-тарбия бераётган 2800 нафар ўқитувчининг иш-лаш ва яшаш шароитларини яхшилаш, саломатликларини тиклаш, моддий ва маънавий жи-

ҳатдан қўллаб-қувватлашда касабаси уюшмалари муҳим рол ўйнамоқда. Чунончи, тумандаги барча мактабларда бир пиёла чай бахона давра суҳбатлари уюштирилиб, эл ардоғидаги устоз мураббийлар шарафланиди, фаол ўқитувчиларга муқофотлар топширилди. Бу табдирлар учун касабаси уюшмалари ҳисобидан 320 минг сўм сарфланди. Шунингдек, байрам арафасида энг илгор 50 нафар ўқитувчи моддий рағбатлантирилди. Улар қаторида Зина

Еримбетова, Аҳмад Эшназаров, Фотима Ибодуллоева, Бахтиёр Адоев, Раъно Рўзимбетова, Валентина Письменная сингари ўзининг жонқуярлари бор. Бунинг учун туман ҳокимининг қарорига биноан 850 минг сўм ажратилди. Дарвоқе, шунингдек касабаси уюшмалари билан ёрдамга муҳтож оилаларнинг фарзандларига дарслик ва ўқув қўлланмалари тортиқ қилинди.

Маҳмуд АДЕКОВ, Тўрткўл туман таълим ва фан ходимлари касабаси уюшма кўмитаси раиси.

